

Ўзбекистон Республикаси чакана ва улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил январь-март ойлари учун дастлабки маълумот

- I. Чакана савдо товар айланмаси
- II. Улгуржи савдо товар айланмаси
- III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси
- IV. Услубий маълумотлар
- V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

I. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йил 1 апрель ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 86 965 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 438 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 86 527 тани ташкил этди.

2026 йилнинг январь-март ойларида республиканинг чакана савдо товар айланмаси

123 961,9 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг январь-март ойлариغا нисбатан 25,4% га ўсди. Жумладан, йирик корхоналарнинг савдо товар айланмаси 21 115,5 млрд сўмни (ўсиш суръати – 128,0%), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси эса 102 846,4 млрд сўмни ташкил этди (ўсиш суръати – 124,9%).

Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръатлари


2026-йил январь-март ойлари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Чакана савдо товар айланмаси ҳажми \(ойлик\)](#)

Чакана савдо ҳажмида йирик корхоналар, кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бўйича динамикаси



II. Улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил 1 апрель ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 53 278 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 418 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 52 860 тани ташкил этди.

Республика бўйича 2026 йилнинг январь-март ойларида улгуржи савдо товар айланмаси

109 857,4 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 10,9%га ўсди.


Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 30 692,5 млрд сўмни (ўсиш суръати – 104,9%), кичик бизнес субъектларининг товар айланмаси эса 79 164,9 млрд сўмни (ўсиш суръати – 113,4%) ташкил этди. Республикада жами улгуржи савдо ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 72,1 %ни ташкил этди.

Улгуржи савдо ҳажми динамикаси 2026 йил январь-март ойлари, млрд сўм



Мавзуга доир кўрсаткичлар:
[Улгуржи савдо ҳажми \(ойлик\)](#)

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари 2026-йил январь-март ойлари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръати \(ойлик\)](#)


III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси

2026 йил 1 апрель ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони 27 312 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 135 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 27 177 тани ташкил этди.

2026 йилнинг январь-март ойларида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси

49 804,5 млрд сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 8,2%га ўсди. Савдо айланмасининг 78,9% улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди, йирик корхоналар улуши эса 21,1%ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмасининг ўсиш суръати динамикаси 2026 йил январь-март



IV. Услугий маълумотлар

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмасининг статистик кўрсаткичларини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, «Миллий ҳисоблар тизими – 2008», «Чакана ва улгуржи савдо статистикаси бўйича халқаро тавсиялар» (БМТ, 2008), «Чакана товар айланмасининг статистик кузатуви ва унинг миқдорий кўрсаткичини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар» (МДХ қўмитаси, 2011) халқаро кўрсатмалар ва тавсиялардан фойдаланилади.

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмаси статистик кўрсаткичлари норасмий ва яширин иқтисодийнинг статистик баҳолаш натижалари инобатга олинган ҳолда ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда, жами ва таркибий қисмлар йиғиндиси ўртасидаги кичик тафовутлар маълумотларни яхлитлаш билан изоҳланади.

V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

[Улгуржи савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Улгуржи савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмаси ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

Чоп этишга масъул:
Ташқи иқтисодий фаолият ва
савдо статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.
Электрон почта: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1180, 1185)

